

## Олий Мажлис VIII сессияси олдидан

**Депутатга бир савол**

# Фуқаролик жамиятининг мезонлари шаклланаяпти

**Сайловчингиз қандай таклиф берди?**

**Холбобо БОЗОРОВ,
220-Деҳқонобод сайлов округидан:**

*— Гапнинг очиғи, менинг округимдаги сайловчилар анча фаол. Уларнинг кўпчилиги Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масалаларни, лойиҳаларнинг моҳиятини тушунади. Шунинг учун таклифлар ҳам кўп. Масалан, «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси уларда катта қизиқиш уйғотган. Сабаби у экология, унинг мусаффолиги билан боғлиқ. Шунинг учун улар ишлаб чиқаришми ёки рўзғор чиқиндиси бўладими шу соҳада давлат бошқаруви асослари бўлиши лозим, деган фикрни ёқламоқдалар. Чиқиндилар билан экология жиҳатдан хавфли муомала қилганлик учун жавобгарлик белгиланаётганлигини улар қўллаб-қувватлаётирлар. Чиқиндиларнинг давлат кадастрини ва бошқа нормаларини жорий этиш зарур эди, шу жиҳат лойиҳада кўрсатилгани яхши бўлган, деган фикрларни айтишмоқда. Шу билан бирга, уларнинг назарида, лойиҳа муҳокамасида маҳаллий шароит кўпроқ ҳисобга олиниши лозим. Яна айтишаяптики, лойиҳа «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари чиқиндиларни утилизация қилиш ва уларнинг ҳосил бўлишини камайтиришга доир фаолиятни рағбатлантириш юзасидан ўз ваколатлари доирасида қўшимча чоралар бегилашлари мумкин» деган сатрлар бор. Хўш, қандай рағбатлантирилади? Шуни аниқлаштириш мақсадга мувофиққа ўхшайди. Албатта, бу сайловчиларнинг таклифларидан бир шингил, холос. Ўйлайманки, мен лойиҳа муҳокамаси жараёнида уларни етказишга ҳаракат қиламан.*

**Убайдуллахон МАМАТОВ,
88-Косонсой сайлов округидан:**

*— Олий Мажлис тасдиғига киритилаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумхалқ муҳокамаси фуқаролар фаоллигини ошираётир. Шундай ҳол навбатлаги сессия кун тартибидан ўрин олган бешта қонун лойиҳаси муҳокамасида ҳам кўзга ташланаяпти. Туман марказида ўтказган учрашувларимизда сайловчилар «Шаҳарсозлик кодекси» лойиҳаси ҳақида фикр билдирдилар. Табиий ҳол. Чунки биргина Косонсой шаҳри улар кўз ўнгида тубдан ўзгарди. Янги кодекснинг қабул қилиниши унинг жаҳон андозаси асосида янаям равнақ топишига имкониятлар очиши турган гап. Тергали қишлоғидаги муҳокамада эса тадбиркорлар «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинишидан манфаатдор эканликларини билдиришди.*

*Сайловчилар муҳокамадаги ҳужжатларни маъқуллабгина қолмай, улар юзасидан амалий таклифлар ҳам билдиришяптики, бу қонунларимиз пухта бўлишига хизмат қилади. Биз уларнинг жиддийларини танлаб, тегишли қўмиталарга юборяпмиз. Бу фуқаролик жамиятининг мезонлари шаклланаётганидан далолат беради.*

**«Халқ сўзи» мухбирлари
Н.РАВШАНОВ ва
Қ.НАЖМИДДИНОВ ёзиб олди.**

# Эҳтиёждан туғилган лойиҳа

Маълумки, сўнгги вақтларда республикамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий объектлардан оқилона ҳамда самарали фойдаланишга қаратилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар яратилмоқда. Парламентимизнинг бўлажак сессия кун тартибига киритилган «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши бу йўлда ташланган яна бир муҳим қадам бўлди.

Аввало, шуни айтиш керакки, айни лойиҳа атроф муҳитни муҳофаза қилишда амалдаги қонунлардан фарқли ўлароқ, чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига, табиатни муҳофаза қилишда зарарли таъсирининг олдини олиш соҳасидаги муносабатларни ўзида мужассамлаштиргани билан ажралиб туради.

Бироқ қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мукаммал, тушунарли, барча тўлиқ англаб етадиган тилда баён қилиниши жоиз. Шу маънода, ушбу лойиҳага қатор ўзгартиш ва тузатишлар киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Масалан, лойиҳанинг 3-моддасида «Утилизация» ва «хомаки» маҳсулотлар деган тушунчалар ишлатилган. Фикримизча, аввало ушбу тушунчаларнинг ўзи нима эканлиги тўғрисида қонунда кўрсатилиши жоиз. Лойиҳанинг 1-моддаси 2-қисмини «Ушбу қонуннинг асосий вазифалари чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига, атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилишда зарарли таъсирнинг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланишини таъминлашдан иборат» дея эътироф этилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу моддага «мол-мулкига» деган тушунчанинг киритилишига сабаб шуки, ҳар қандай мол-мулк Конституцияга мувофиқ муҳофаза этилади.

Лойиҳанинг 1-моддаси 2-қисмига «Табиатни муҳофаза қилиш» тушунчасининг киритилишига ҳам асос бор. Негаки, хавфли чиқиндилар нафақат шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки атроф-муҳит, балки табиатга ҳам таъсири бўлади. Шу боис айни тушунчанинг қўлланиши мақсадга мувофиқдир.

Лойиҳанинг 23-моддаси 1-қисми «Чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ҳамда уларни утилизация қилишга қаратилган технологияларни ишлаб чиқараётган ва жорий этаётган, чиқиндиларни тўплаш ва тайёрлашни амалга ошираётган, чиқиндиларни утилизация қилишга мўлжалланган корхоналар ва цехлар қураётган, ускуналар ишлаб чиқарилишини йўлга қўяётган чиқиндиларни утилизация қилиш ва уларни ҳосил бўлиш ҳажмларини камайтириш чора-тадбирларини молиялаштиришда улушбай асосида иштирок этаётган юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ва бошқа имтиёзлар берилади» деб ўзгартирилса маъқул бўлар эди.

**Олим НАРЗУЛЛАЕВ,
ТЖЮИ тадқиқотчиси.**



# Ифтихор қудрати



(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ерга етганда фахру-ифтихордан қаттиқ ҳаяжонга тушдим: Минг йиллар мобайнида бир неча халқдангина жаҳонгир чиққан бўлса, ана шу жаҳонгирларнинг энг улуғини ЎЗБЕК берди! Ўзбекдан чиққан Соҳибқирон ўз халқинигина қутқариб қолмади, балки кўҳна Русьнинг Олтин Ўрда зулмидан қутулишига йўл очди, Султон Боязидни тор-мор келтириб Оврупони яқинлашиб келаётган истибдод хавфидан халос айлади. Суюниб кетган Пруссия Потсдамдаги музейи деворига Соҳибқирон суратини ишлади, миннатдор Франция тиллодан бюстини қуйди. Аллоҳу таоло бизнинг бобомизни шавкатли авлод билан ҳам сарафроз айлади. Ўзга бирон-бир жаҳонгирнинг авлодидан Улуғбек каби жаҳоншумул олимлар, Бобур янглиғ буюк шоирлар етишиб чиқмади...





Мен исмлари ҳар куни неча-неча тилларда зикр этиладиган бошқа буюк боболаримизнинг ҳайкал ва бюстларини, уларнинг номларига қўйилган кўчалар ва муассасаларни эсларканман чет эллик меҳмон ўзини Буюк Даҳолар Мамлакатига кириб қолгандек ҳис этганига ишондим.

Яна бир гап. Чет эллик меҳмонларнинг айримларини Шўролар мустамлакаси бўлган юртдан бир пайтлар жаҳон цивилизациясига таъсир ўтказа олган кўпдан-кўп буюк алломалар етишиб чиққанлиги лол қолдирса, айримларини бизнинг ана шу буюк боболаримизга кўрсатаётган беқиёс эҳтиромимиз ҳайратга солади. Шу ўринда бир нарсани очиқ айтиш керак: тарихимизга ҳурмат билан ёндошаётганимиздан таажжубга тушаётганлар, ҳатто бундан ғашлари келаётганлар ҳам йўқ эмас.

Мустақилликка эришгач, мамлакатимизда тарихни чуқур ўрганиш, улуғ боболаримизга эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аммо, тан олиш керакки, бу сиёсатнинг улкан аҳамиятини ҳамма бирдек тушуниб етаётгани йўқ. Ҳолбуки, бу эъзоз-эҳтиром боболаримиздан кўра кўпроқ бизга керак — бу эъзоз-икромдан ўтиб кетганлар манфаат топмас балки, аммо биз, тириклар таърифлаб бўлмайдиган даражада катта манфаат кўришимиз аниқ. Келинг, шу хусусда бироз мулоҳаза юритайлик.

Маълумки, мустамлакачи Шўро тузуми миллатнинг озодлик курашига раҳнамолик қила оладиган интеллектуал кучларни қирғинбарот қилганидан сўнг яна шундай кучлар етишиб чиқмаслиги учун уни тарихидан жудо қилишга интилди. Чунки тарихидан жудо бўлган халқ ўқ илдизи қирқилган дарахтга ўхшайди — мустақил яшашга ишончи йўқолади. Буни яхши тушунган истибдодчилар етмиш йил мобайнида қулоғимизга «сен саводсиз эдинг, сени биз саводли қилдик», «сен маданиятсиз эдинг, сени биз маданиятли қилдик», деб қуйиб келдилар.

Мустамлакачилар халқнинг руҳини сўндириш учун тарихни йўқотишга интилган бўлсалар биз халқнинг руҳини уйғотиш, юксалтириш учун айнан тарихни ўрганишимиз зарур. Бу мантиқий заруратни, ҳақиқатни Юртбошимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларимиздан бошлаб қайта-қайта уқдириб келмоқда. Зеро, жамиятни ривожлантирувчи куч халқнинг ташаббускорлиги, уни вужудга келтирувчи омил эса халқ қалбида ўзига ишонч, ғурур, ифтихор ҳисларининг пайдо бўлишидир. Ўзининг кимлигини билган, ўзига ишонган кишигина ўзгалар билан тенгма-тенг гаплаша олади. Дунё тан олган америкалик файласуф Дейл Карнегининг бир гапи бор: сиз аввало инсонда ўзига ишонч уйғотинг, кейин унинг мўъжизалар содир этишини кўринг!

**Мухторали НОСИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ ва Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**



# САНАЦИЯ: Ютуқ ва йўқотишлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана тўрт йилдирки республикамиз қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ночор хўжаликларга нисбатан санация, яъни молиявий соғломлаштириш усули қўлланиб келиняпти. Хўш у қандай самара бермоқда, санациянинг фойдаси қандай бўляпти? Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан яратилган имтиёзлар қандай натижа беряпти?

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берилаётганлиги, тармоқ ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб келинаётганлиги ўз самарасини бермоқда. 1997 йилнинг декабрь ойида “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги, қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси ташкил этилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Мазкур комиссия зиммасига қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий соғломлаштириш, уларни банкротликка учрашининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юклатилди. Санация сиёсатини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун ўтган давр мобайнида ҳукумат томонидан бешта қарор қабул қилинди.

Дастлаб 1998 йили 104 хўжаликда санация тадбири қўлланилди. Кейинги йили эса сурункали зарар кўриб ишлаётган 150 хўжалик санацияга тортилди. 2000 йилда эса ушбу усул 82 та хўжаликда жорий этилди. 1999 йилнинг якуни бўйича молиявий соғломлаштириш муддати тугаган дастлабки 104 хўжалик фаолиятига якун ясалди. Уларнинг 96 таси йилни фойда билан якунлади ва ширкат хўжаликларига айлантирилди. Демак, тармоқда қўлланилган тадбир ўзини тўла оқлади. Умуман ўтган тўрт йил мобайнида санация тадбири қўлланилган хўжаликлар фаолияти таҳлил қилинганда, мазкур усул жорий этилган жамоаларнинг асосий қисми ижобий натижаларга эришганлигини кўриш мумкин.

Ўтган тўрт йилда ҳаммаси бўлиб, 412 хўжаликда санация ўтказилди. Молиявий соғломлаштириш муддати тугаган 313 хўжаликнинг 283 таси ширкат хўжаликларига айлантирилди. Ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятида ижобий натижаларга эриша олмаган 30 хўжалик тугатилиб, улар негизида деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Мазкур кенг кўламдаги соғломлаштириш ишларини амалга оширишда ҳукуматимиз томонидан катта ғамхўрлик қилинди. Санацияга тортилган хўжаликларнинг 22 миллиард сўмлик кредитор қарзлари Молия вазирлигининг имтиёзли кредитлари асосида қайта расмийлаштирилиб, тўлов муддати узайтирилди. Шу боис жамоаларнинг банклардаги ҳисоб рақамлари орқали операциялар ўтказиш имконияти яратилди.

Иш оила пудрати асосида ташкил қилинганлиги, харажатлар ва даромадларни ҳисобга олишнинг чек усули йўлга қўйилганлиги, боғ ва токзорлар ижарага берилганлиги ва бошқа бир қатор ижобий тадбирлар қўлланилганлиги боис молиявий соғломлаштириш усулининг самараси яққол кўзга ташланди. Айниқса, бу Андижон, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида кўпроқ сезилди. Масалан, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги “Гулистон“ хўжалигида ўтган йили санация ўтказилган эди. Тадбиркорлик билан иш юритилганлиги боис биринчи йилдаёқ натижа яққол кўзга ташланди. Пахтачиликда ҳосилдорлик 11 центнерга, ғаллачиликда эса 20 центнерга ошди. Йил якуни бўйича эса 76,5 миллион сўм соф фойда олишга эришди. Бешариқ туманидаги “Бешариқ“, Шеробод туманидаги У. Туропов номли хўжаликлар ҳам санациянинг биринчи йилидаёқ юқори натижага эришди.

Аммо ҳамма жойда ҳам ижобий натижаларга эришилди, деб бўлмайди. Имкониятлардан оқилона фойдаланилмаганлиги, санация тўғрисидаги қонунга риоя қилинмаганлиги, баъзи раҳбарларнинг ношудлиги туфайли кўзда тутилган мақсадга эришилмади. Мисолларга мурожаат қилайлик. Зомин туманидаги «Оқ олтин» хўжалиги пахтадан 9,3 центнер, «Зомин» хўжалиги 4 центнер, Пайариқ туманидаги «Туркистон» хўжалиги 8,9 центнер ҳосил олганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Ушбу жамоаларда режа 25-40 фоизда қолиб кетди. Натижада улар миллионлаб сўм зарар кўрди.

Энди ўтган йил якунларини таҳлил қилиб кўрайлик. Санация муддати давом этаётган 211 хўжаликда 53996 та оила пудратчилари билан шартномалар тузилган бўлиб, уларнинг 37191 таси пахтачиликка, 9971 таси эса ғаллачиликка тўғри келади. Жамоалар томонидан 180 минг тонна дон етиштирилди ва 120 хўжалик бу борадаги шартнома режасини бажарди. Харажатларни назорат қилишнинг чек усули жорий этилганлиги боис 132 хўжалик соҳадан 1600 миллион сўм соф фойда олди. 79 хўжалик эса 1902 миллион сўм зарар кўрди.

Асосий тармоқ ҳисобланган пахтачиликдаги кўрсаткичлар ҳам молиявий соғломлаштириш ишларининг самарасини кўрсатиб турибди. 244,5 минг тонна хомашё тайёрланиб, 128 хўжалик йилни 1873 миллион сўм фойда билан, 83 та хўжалик эса 2524 миллион сўм зарар билан якунлади. Шу билан бирга 415 километр масофадаги зовурлар ва 929 километр узунликдаги суғориш тармоқларини тозалаш, 58 километрдаги ёпиқ-ётиқ зовурларни ювиш ишлари амалга оширилди. 278 гектар янги ерлар ўзлаштирилди, 1009 гектар экин майдони қайта таъмирланиб, 1347 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Жорий йилдан бошлаб иқтисодий ночор ҳисобланган хўжаликларни соғломлаштириш борасида яна бир усул қўлланилди. Ҳукуматимиз қарорига кўра Меҳнатобод, Мирзаобод, Ёзёвон ва Амударё туманларидаги хўжаликлар негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ерга эга бўлган тадбиркор деҳқонларнинг тўла фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигида қўлланилган санация усули амалда ўзини оқлади. Натижада молиявий ночор аҳволда бўлган кўплаб хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан соғломлаштирилиб, уларнинг бозор шароитида эркин фаолият юритиши учун замин яратилди.

**Ҳосил КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

## ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

### Етакчилар маҳоратини оширишга эътибор

**“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилоят кенгаши ташаббуси билан “Камолот”нинг олий ва ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари бошланғич ташкилотлари раҳбарларининг ўқув-семинари бўлиб ўтди.**

**Икки босқичда ўтган семинарда ўқув муассасаларида бошланғич ташкилот фаолиятини янада жонлантириш, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ишлаб чиқилган тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни бажариш, ташкилотнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар хусусида фикр юритилди.**

### Иқтидорли олимлар танлови

**Халқ таълими вазирлигида педагогика ва психология фанлари соҳасида тадқиқот олиб бораётган аспирант, докторант ва илмий изланувчиларнинг “Энг яхши мақолалар” танлови якунланди.**

**Анъанавий бу танлов мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтларида педагогика ва психология фанлари соҳасида илмий изланиш олиб бораётган истеъдодли олимларни аниқлаш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш мақсадида ўтказилиб келинади.**

**Танловда 21 нафар ёш олим ўз илмий мақолалари билан иштирок этди. Ғолиблар махсус диплом ва мукофот билан тақдирланди.**

### Қишлоққа газ келди

**Наврўз умумхалқ байрами кунларида Андижон вилоятининг Марҳамат туманида 14 километрли газ тармоғи ва автоматик газ тақсимлаш станцияси фойдаланишга топширилди. Фарғона магистрал газ тармоқлари бошқармасига қарашли бўлган бу иншоотлар қишлоқ аҳоли пунктларининг газ билан таъминланишини яхшилаш имконини беради.**

**(ЎзА).**

**Тадбиркорлик**

### Тежалгани – тўрт миллион доллар

**Самарқанд тамаки фабрикасида тамаки баргини қуритадиган янги линиянинг ишга туширилиши натижасида тўрт миллион АҚШ доллари тежаб қолинди.**

**Аслида CLD-Берлей линияси лойиҳасининг умумий қиймати 4,38 миллион АҚШ доллари бўлиб, у 13 йил давомида ўзини оқлаши кўзда тутилганди. Лекин тадбиркорлар бошқача йўл тутишди. Ускуналарнинг бир қисмини Англиядан, қолганини Бельгиядан келтиришиб, уларни ўзлари йиғдилар. Натижада янги қурилма 13 йилда эмас, атиги 11 ойда сарфланган харажатларни қоплади. Шу билан бирга жамоада меҳнат унумдорлиги ошди.**

**А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

**Орамиздаги одамлар**

# Раис фермерларни қўлламоқда

Нормурод Менгликулов ўн саккиз йилдан буён Олтинсой туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалигида раис. Чорвачиликнинг ҳадисини олган одам. Хўжалигидагиларнинг қадам олишига қараб унинг кўнглидаги гапни ўқиб ола билади. Иш юзасидан бировга тайинлаган гапини хотирадан чиқармайди. Кўнглида кек сақламайди. Пахта, ғалла режаларини бажармоқ учун жон койитиб ишлайди. Хуллас, ишини яхши кўради.

Нормурод ака яхши ишлайдиган одамни ҳам яхши кўради. У илгари бригадирларини, ферма мудирларини мақтаб гапирарди. Газета учун ишларингиздан сўзланг, деганимизда Нормурод ака, анови илғор бригадирларим гапирсин. Ишни қиладиганлар, юкни кўтарадиган— ўшалар, дерди.

Бугун бўлса раиснинг хўжаликдаги фермерларга ихлоси баланд.

— Ейдик, югурдик, 2001 йилда пахта тайёрлаш шартномасини бажара олмадик, — дейди у лабларини қимтиб. — Лекин саккизта фермернинг ҳаммасининг ишига беш кетса арзийди. Ана, Кўчар Раҳмонов, Аҳмад Қулмуродовга ўхшаган фермерлар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, режаларини бажарди. Агар бизнинг шу, «Пахтакор» ширкат хўжалигимиз аъзолари ҳам ўша фермерлар даражасида ишлаганидами, ўзимиз эришиб турган ҳозирги натижага қўшимча яна 2 минг тоннача пахта тайёрлаган бўлармидик.

Раислар борки, бирон деҳқоннинг фермер хўжалиги тузиб ишлашим учун ер ажратиб беришингизни сўрайман, деб ўзининг номига ёзилган аризага кўзи тушса, капалаги учиб кетади.

Менгликулов бўлса яқинда хўжалигининг энг пешқадам бригадири Тўлғаной Пардаевани ҳузурига чорлади. «Ол шу, ўзинг ишлаб турган олтмиш гектарни. Фермер бўл. Техникадан, сув таъминотидан ёрдам бераман. Бир косанг оқариб ишлагин», деди.

Бу гап бошқаларнинг юрагига ҳам рағбат чўғини ташлади.

— Бу йил ҳудудимизда яна 13 та фермер хўжалиги ташкил этиладиган бўлаяпти, — дейди олтмишни қоралаган раис ёш йигитдай завқланиб. — Уларга 200 гектарча ер ажратиб берамиз. Ўзларини тиклаб олишида ёрдамлашамиз.Бу ишларимизнинг натижаси ёмон бўлмас.

Шундан сўнг Менгликулов бизга Бетош деган қишлоқларига табиий газ ўтказганларини, бошқа қишлоқларга тортиш учун яна 4 чақиримга етадиган газ қувури топганларини, икки минг туп тут кўчати ва бошқа мевали дарахт кўчатлари ўтказаётганларини гапириб берди.

**О.УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

**Янги аср таълими: изланиш ва самара**

***Навоий вилоятининг ҳудуди Голландия, Италия давлатларидан ҳам катталиги кўпчиликка аён. Унинг жами майдони қарийб 11 миллион гектарни ташкил этса, шундан ўн миллион гектардан кўпроғи асрий Қизилқум сарҳадларидир. Менделеев жадвалидаги барча ноёб элементларни сийнасида яширган Қизилқум тилсимларини топиш, уни истиқлол йўлида хизмат қилдириш кончиларга, кон изловчилар маҳоратига боғлиқ. Шундай малакали мутахассислар тайёрлаш эса шу куннинг муҳим вазифасидир.***

***Президентимиз узоқни кўзлаб, мустақил юртимизда кончилик саноатини ривожлантириш, унинг салоҳиятини янада ошириш йўлида қатор ташаббусларни бошлади. Улардан бири 1995 йилда Навоий шаҳрида тоғ-кон мутахассислари тайёрлашга мўлжалланган олий ва ўрта махсус ўқув тизими ташкил этилганлигидир.***



# Марказий Осиёда ягона

Марказий Осиёда ягона Кончилик институтининг асосий вазифаси кон қазиш, кон бойликларини қайта ишлаш бўйича муҳандис ва механикларни тайёрлашдан иборат эди.

2001 йил 12 апрелдаги «Кон-металлургия саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонни эса мантиқан ўша ташаббуснинг давоми, дейиш мумкин. Фармоннинг бажарилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорида, институт республикада кончилик ва металлургия соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш бўйича таянч олий ўқув юрти, деб белгиланган. Фармонда «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни ҳамда республика кон-металлургия тармоғи корхоналарини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, таълим дастурида Ватанимиз ҳамда хорижий кончилик ва металлургия корхоналари томонидан тўпланган илғор тажрибадан фойдаланган ҳолда замонавий ўқитиш услубларини жорий этиш, таълим жараёнининг ишлаб чиқариш билан алоқасини кучайтириш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилди. Шу мақсадда институт ўзининг юридик шахс мақоми ҳамда бюджетдан молиялаштириш манбаларини сақлаб қолган ҳолда концерн тасарруфига ўтказилди.

Энди республика кон-металлургия саноатининг устувор сохаларини ривожлантиришни илмий таҳлил этиш ҳамда жаҳон фани ва технологиясининг энг янги ютуқлари негизида илғор жараёнларни ишлаб чиқариш, амалиётга жорий этиш ҳам институтнинг асосий йўналишига айланди. Шу тариқа, жамоа зиммасидаги масъулият юки ошди.

— Мустақиллик туфайли республикамизда кончилик саноати қайта тузилиб, етакчи тармоқлардан бирига айланганлиги ҳаммага аён, — дейди институт ректори, техника фанлари доктори, профессор Баҳодир Раимжонов. — Мамлакатимиз Президентининг бу борада қабул қилган фармони эса институтимиз фаолиятини янада такомиллаштириш имкониятини берди. Хусусан, ўтган даврда факультетлар сони олтитага етди. Олмалиқ шаҳрида кон-металлургия факультети очилди. Кончиликка оид тўққиз йўналишда бакалаврлар тайёрланяпти. Агар 1995-1996 ўқув йилида институтга 250 нафар талаба қабул қилинган бўлса, айни пайтда 2371 йигит-қизга билим бериляпти.

Ўтган ўқув йилида институтни битирган 603 мутахассиснинг аксарияти Навоий кон-металлургия комбинати корхоналарига ишга жойлашди. Учқудуқдаги Шимолий, Зарафшондаги Марказий кон бошқармаларида ўрта бўғинда фаолият кўрсатаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, ГРЭС, «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти, «Электрокимё» заводи, Навоий электр тармоқлари каби йирик корхоналар ҳам мутахассисларимизга талабгор.

Институтнинг концерн таркибига ўтказилиши кўп муаммоларни ҳал этди. Ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик, молиявий ёрдам туфайли замонавий ўқув базаси вужудга келди. Энг сўнгги жиҳозларга эга бўлган бешта ўқув лабораториялари ташкил этилди. Ўнта компьютер хонасида 158 та IBM типидаги замонавий ЭҲМлари қўлланиляпти.

Жерой-Сардара фосфорит кони рудасини самарали бойитиш технологиясини яратиш бўйича 11 миллион сўм ҳажмидаги хўжалик шартномаси имзоланган эди. Фосфорит рудаларининг гранулометрик таркибига кўра бойитишнинг самарали технологияси лойиҳаси тайёрланиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

— Ҳамкорлик самарасини ҳар қадамда сезиб турибмиз, — дейди институт проректори Саодат Бозорова. — Аввало, ўқув жараёни ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланди. Етишмовчиликлар барҳам топди. Моддий-техника базамиз тубдан ўзгарди. Ўқитувчилар учун қулай шарт-шароит яратилди.

Олийгоҳнинг халқаро алоқалари тобора мустаҳкамланиб боряпти. Хитой жанубий университети, Москва кончилик университети, Россия Федерацияси кимёвий технологиялар ва ноорганик материаллар бўйича илмий марказлари, Россия Фанлар академиясининг Сибирь бўлими қошидаги ҳисоблаш технологиялари институти билан тузилган шартномаларнинг самарасини бир қарашдаёқ билиб олиш қийин эмас.

Жамоа «Темпус-Тасис» Европа Халқаро дастурининг «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи Олий ўқув юртларида масофадан ўқитиш» лойиҳасида Германия, Голландия, Дания университетлари ва Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорликда иштирок этмоқда. Лойиҳани молиялаштириш учун Европа Иттифоқи томонидан 467 минг евро миқдорида маблағ ажратилган. Иқтидорли ёш олим, техника фанлари номзоди Т. Нурмуродов Европа давлатлари университетларида янги педагогик технология — масофадан ўқитиш бўйича малака оширди. Қўлланилаётган бундай усулнинг фойдаси беқиёс.

12 нафар профессор-ўқитувчи «Устоз» жамғармасининг хорижий давлатларда малака ошириш бўйича грантини қўлга киритиб, АҚШ, Канада, Франция, Исроил, Жанубий Кореяда бўлиб, янги педагогик технологиялар билан қуролланди.

Махсус компьютер синфи «Интернет» тармоғига уланган. Иқтидорли талаба Ш. Абдураҳмонов «Умид» жамғармасининг гранти асосида Америка Қўшма штатларининг Ротчестер технология университетида «Менежмент» ихтисослиги бўйича таҳсил олиб қайтди.



Бир неча йилдан бери Навоий шаҳрида кончилик фанининг муаммоларига бағишланган «Истиқлол» илмий-техникавий анжуман ўтказилиб келинмоқда. Унда Ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари билан бирга хорижий давлатлардан ҳам кўплаб мутахассислар иштирок этишади.

— Асосий эътиборни кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон андозаларига мос даражага етказишга қаратяпмиз, — дейди маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Рустам Қаршиев. — Шу мақсадда профессор-ўқитувчилар, ходимлар аттестациядан ўтказилди. Уларнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қанчалик ўрганганликлари аниқланди. Барча фанлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, дастурлар экспертиза қилинди, янги адабиётлар, услубий қўлланмалар сони кўпайтирилди, талабалар билимини назорат қилишнинг тест-рейтинг тизимига ўтказилди. Тест маркази замонавий ЭҲМлар билан таъминланди.

Институт ўз босмахонасига эга. Республикада ягона нашр — «Ўзбекистон кончилик хабарномаси» журнали нафақат шу тармоқ илмини, балки кон саноати ишлаб чиқариш муаммоларини кенг ёритиб бориш ва уларнинг ечимларини топишга хизмат қиляпти. Бундан ташқари, қисқа вақтда 18 та қўлланма, 5 та монография, 50 тадан ортиқ кончиликка оид адабиётлар чоп этилди.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор беринг. Бу ерда долзарб илмий муаммоларни ечиш устида ҳам талай ишлар бажарилмоқда. Фан ва техника Давлат қўмитаси томонидан молиялаштирилган иккита илмий мавзу натижалари кўпчиликни қувонтирди. Айни пайтда грант асосида йилига 5.700 минг сўмлик молиялаштирилган бир неча илмий мавзуларда тадқиқот ишлари давом эттириляпти.Бу каби тадқиқотлар Қизилқум саноат минтақасининг ҳали ишга солинмаган имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилиши аниқ.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган нутқида «Юқори малакали, замонавий билимга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш — ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларимизни ҳал этишнинг калити ҳисобланади», дея таъкидлаганди. Бугунги олтинтопарларнинг янги авлодини тарбиялаб вояга етказаётган институт жамоасининг саъй-ҳаракатлари ана шу муаммони ҳал этишга қаратилган.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Реклама ва эълонлар
136-09-25

**24 март — Бутун жаҳон силга қарши курашиш куни**




## Вирусга қарши самарали восита

Бугунги кунда тиббиётда вирусли грипп, гепатит, ОИТС-дан ҳам хавфлироқ касаллик чақирувчи микроорганизмлар - хламидийлар мавжудлиги аниқланган. Ушбу кўзга кўринмас микроорганизмлар юрак-қон томир тизими, нафас йўллари, бепуштлик хасталикларини келтириб чиқаради. Ҳозир дунёнинг энг нуфузли илмий марказлари ушбу ўта хавфли касалликлар вирусига қарши самарали воситалар ишлаб чиқариш борасида изланишлар олиб бормоқда.

— Ўзбекистон Фанлар академияси Биорганик кимё институти полифеноллар лабораторияси олимларининг саъй-ҳаракати билан ушбу хасталикларнинг олдини олиш ва даволашда яхши натижа берадиган препарат яратилди, — деди мазкур лаборатория мудири, кимё фанлари доктори Даврон Долимов. — "Гозалидон" деб номланган мазкур восита инсон организмидаги бундай вирусларга қарши курашадиган интерферон оқсил моддасининг синтез жараёнини фаоллаштиради.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЛОҚАЙД БЎЛМАСАК...

## дард чекинади

Инсон жисмида суяклар икки юздан ортиқ бўлиб, аксарият ҳолатларда бир-бирлари билан боғламлар, мушаклар ёрдамида бирикиб, бўғинларни ташкил қилади. Бўғинлар ёрдамида инсон кундалик ҳаётида қилиниши керак бўлган минглаб-миллионлаб ҳаракатларни бажаради. Бу таянч-ҳаракат аъзоларининг механик вазифасидир. Шу ўринда айтиш лозимки, кўпчилик бўғин суякларининг юзалари фиброз ёки тоғай тўқималари билан қопланганди.

Таассуфки, мураккаб вазифаларни бажарувчи таянч-ҳаракат аъзолари синиш-чиқишлардан ташқари, ҳар хил инфекцион касалликлар, жумладан сил хасталиги билан жароҳатланиши мумкин.

Аксарият ҳолларда бу аъзоларнинг силга чалиниши кеч аниқланиб, оғир асоратлар қолдиради.

Хасталикнинг клиник белгилари икки хил тарзда кечади. Аввало, жисмнинг силдан заҳарланиши билан намоён бўлади, бу белгилар нафақат суяк-бўғинлар силида, балки ўпка, буйраклар ва бошқа аъзолар силида ҳам деярли ўхшаш бўлади. Маҳаллий белгилар эса сил жароҳатининг жойлашган ўрнига боғлиқдир.

Умуртқа поғонасининг бўйин қисми жароҳатланганда қўл-оёқларда фалажлик содир бўлади. Кўкрак қафаси, қорин, чаноқ аъзоларининг фаолияти кескин бузилади. Кўкрак соҳаси умуртқалари сил билан жароҳатланганда, асоратлари кўкрак қафаси шаклининг бузилиши, ўпка-юрак фаолиятида ўзгаришлар, емирилган умуртқалар соҳасида йиринг тўпланиши, орқа миянинг сиқилиши, қорин-чаноқ аъзолари фаолиятининг бузилиши, оёқда фалажлик билан ўтади. Шунга ўхшаш ўзгаришлар бел умуртқалари силида ҳам учрайди.



Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Агар сон-чаноқ ёки тизза бўғинлари силдан жароҳатланса, бўғин соҳасида оғриқ кучаяди. Айниқса ҳаракатланганда, ҳаракатнинг чегараланиши, шиш, юмшоқ тўқималар орасида йиринг тўпланиши, баъзан оёқнинг калталашиб қолиши, букилиб қотиб қолиши ҳам мумкин.

Маълумки, инсон ҳар хил касалликлар, шу жумладан сил билан оғришдан аввал «лоқайдлик» дардига мубтало бўлади. Натижада у кўп нарсаларга, ҳатто ўз соғлиғига ҳам лоқайдлик билан қарайди, бот-бот тана ҳарорати кўтарилади. Сабабсиз чарчаб қолиш, иштаҳанинг пасайиши содир бўлади.

Ниҳоят, рентген текшируви ўтказилганда жароҳатланган суяк кўпинча қайтмас ҳолатга етгани аниқланади.

Таянч-ҳаракат аъзолари силининг самарали даволанишида, асоратларининг тугатилишида касалликни вақтида аниқлаш, мукаммал даво чораларини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Беморнинг даволаниш жараёни давомли бўлиб, бир неча босқичларда амалга оширилади.

Айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли фтизиатриз ва пульмонология илмий-текшириш институтининг суяк-бўғим жарроҳлиги бўлимида ўта оғир, мураккаб операциялар бажарилмоқда. Уларнинг сифати ва олинган натижаларига россиялик машҳур жарроҳлар, хусусан профессор А.Гарбуз бошчилигидаги Санкт-петербурглик олимлар муносиб баҳо беришмоқда.

Касалликнинг бутунлай тузалиб кетиши, қайталанмаслиги учун бемор 2-3 йил мобайнида сил диспансери ҳисобида туради ва даволанишни давом эттиради. Беморнинг вақтида самарали тузалиб кетишида оила аъзолари, яқин ёр-биродарларининг самимий муносабатлари, беғараз ёрдамлари муҳим аҳамиятга эга.

**Пиримқул НАЗИРОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори.**

**Шифобахш ўсимликлар**

# Кулча холи

**Кунжут ўзбек пазандачилигида алоҳида ўрин тутади. Унинг хосиятлари кўҳна замонлардан бери маълум бўлиб, мойи бир қатор хасталикларни даволашда асқотади. Жумладан, кунжут зиқнафасга малҳамлик қилади, жароҳат ва яраларнинг эт олишини тезлаштиради, куйган терининг асоратланишидан сақлайди.**

**Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида кунжут ҳақида шундай дейди: ... Урилишдан пайдо бўлган кўкаришни ва қотиб қолган қонни шимилтиради. Кунжут, айниқса, унинг пўсти олингани семиртиради. Сочни узайтиради. Кунжут ёғида миртани қайнатиб ишлатилса, сочни тўкилишдан сақлайди, уларни қувватли ва пишиқ қилади. Оловдан куйганга ишлатилади. Ёғини ичилса, балғам ва қондан бўлган қичимани кетказади».**

**Кунжут халқ табобатида қиздирилган ёки ковурилган ҳолда қувватбахш омил сифатида тавсия этилган. Азал-азалдан нон-кулчалар юзини кунжут уруғи билан безаш расм бўлган.**

**Ҳозирда ҳам кунжут мойи жуда қадрланади. Унинг пўстидан холи қилинган уруғларидан паста — таҳин мойи олиниб, барчага маълум бўлган татимли ва хушхўр таҳин ҳолвалари тайёрланади. Кунжут мойи ўзининг сифати ёки фойдалилиги жиҳатидан зайтун мойи билан рақобат қила олади.**

**У озиқ-овқат сифатида ҳамда консерва ишлаб чиқаришда ишлатилади. У кунжутдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Унинг 35 тури қайд этилган бўлиб, маданий равишда ўстириш Осиёда кенг тус олган. Кунжут Ҳиндистон, Хитой, Бирма, Судан, Мексика, Нигерияда кўплаб етиштирилади. Бизда ҳам кунжут етказувчи хўжаликлар мавжуд.**

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос олим.**

**«Турон»**

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ**

**қуйидаги бошқармаларга мутахассисларни танлов асосида ишга таклиф этади:**

- кредитлаш ва иқтисодий таҳлил бошқармаси;
- банк актив ва пассивларини бошқариш бошқармаси;
- ички аудит бошқармаси;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси;
- ахборотлаштириш ва дастурий таъминот марказига;
- қимматбаҳо қоғозлар бўлими.

***Номзодлар***

*Тошкент шаҳрида доимий яшовчи, олий маълумотли ва мутахассислиги бўйича камида 3 йил меҳнат стажига эга бўлишлари керак.*

**Маълумот учун телефонлар: 144-34-61, 144-32-52.**

5514/553

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 44-уй, «Чорсу савдо маркази» бекати.

**«Даврхитектқурилиш» қўмитасига қарашли Республика хўжалик ҳисобидаги пудрат савдолари (тендери)ни ташкил этиш ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ**

**мулкчилик шаклидан қатъи назар барча товар етказиб берувчи ташкилотлар, корхоналар, ассоциация ва фирмаларни тендер савдосида қатнашишга таклиф этади.**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ БЎЙИЧА ФАРҒОНА БОШҚАРМАСИ**

**2002 йилда бажариладиган қурилиш ишлари учун зарур бўлган ҳар хил қурилиш жиҳозларини, асбоб-анжомларни тендер асосида сотиб олади.**

**Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар «Даврхитектқурилиш» қўмитасига қарашли Республика тендерларни ташкил этиш бошқармаси Фарғона вилоят бўлимига тендер ҳужжатларини олиш ҳақидаги сўровнома билан қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари лозим:**

**Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» уй (Фарғона вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).**
**Телефон/факс: 26-43-19.**

5516/549

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»**

***Ўзбекистон акциядорлик тижорат-саноат қурилиш банки кенгаши***

**2002 йил 27 апрель куни соат 11.00да Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 6-уй**

***(ДАК «Ўзбекэнерго» биноси)да банк акциядорларининг умумий ҳисобот йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар қилади.***

***Қатнашчилар ва делегатларни қайд қилиш соат 10.00дан бошланади.***

**КУН ТАРТИБИ:**

1. *АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2001 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботни тасдиқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2002 йил 14 февраль куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда банкнинг 2002 йилга белгиланган асосий йўналишлари тўғрисида.*
2. *АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.*
3. *Банкнинг 2001 йил учун бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини ҳамда банк фойдасини тақсимлаш тартибини тасдиқлаш.*
4. *АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ташқи аудиторини тасдиқлаш.*
5. *Бошқа масалалар.*

***2002 йил 1 март ҳолатига акциядорлар реестрига киритилган акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга.***

***Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар ва делегатлардан ўзи билан паспорт ва ишончномаларни олиб келишларини сўраймиз.***

***Ўзбекистон акциядорлик-тижорат саноат қурилиш банки «Ўзсаноатқурилишбанк» кенгаши.***

